




ТО'ЛОҚШКЕНТ

ОҚШОМ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 142 (9.334) 1999 йил 6 декабрь, душанба

Сотувда эркин нархда

2000
9 январь

**Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
сайлови куни**

Кеча бутун мамлакатимизда, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ УЧУН

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов барча юрtdошларимиз қатори ўзининг фуқаролик бурчини бажарди. У Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун овоз берди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманидаги Олий Мажлис ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайлов ўтказувчи 25-сайлов округининг 652-сайлов участкасига овоз бериш учун келди.

Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани сингари ушбу сайлов участкасида ҳам эрталабдан овоз бериш учун фаоллик билан овоз бериш бошланди. Шу ерга туташ кўчалар ва уйлarning аҳолиси, Тошкент Давлат санъат институтининг талабалари ва ўқитувчилари мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини, юртимизда ўтказилган демократик ўзгаришлар йўлини қўллаб-қувватлашларини яна бир бор ақддлик билан ишор эдилар. Улар халқимизнинг энг муносиб фарзандлари учун бирин-кетин овоз бердилар.

Сайлов участкасига тушган маҳаллий аҳоли, сайловчилар, талабалар Ислам Каримовни очик дил билан, самимий кутиб олдилар.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, иқтисодий ва маданий ривожлантириш учун, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси учун улкан ишлар қилаётган давлатимиз раҳбарига умумхалқ муҳаббати ва ҳурмат-эътибори бекиёсдир.

Шундай қилиб овоз бериш учун барча зарур омушлар адо этилди. Президентимиз махсус кабинага кириб Олий Мажлис ва ҳокимиятнинг маҳаллий органлари сайловчилари бўйича сайлов бюллетенларини сайлов кутусига туширади.

Шундай қилиб овоз берилди, овоз берилганда ҳам энг ахшиларнинг яхшисини овоз берилди.

Овоз бериб бўлгандан кейин Ислам Каримов уни катта интиқлик билан кутиб турган сайловчилар хузурига борди.

Дўстона бўлиб ўтган мулоқот чоғида улар давлатимиз раҳбаридан ўзларини қизиқтираётган барча саволларга, кундалик турмушимиз, мавжуд бўлган айрим муам

молар ва уларнинг ечими билан боғлиқ саволларга атрофлича ва аник жавоблар олдилар.

— Бизда муаммолар етарли, — деди Президент. — Лекин биз уларни ҳал этишдан ҳам муҳимроқ масала йўқлигини Президентимиз томонидан эътироф этилишини бу ерга тулганганлар айникса, қизгин қаршилаб олдилар. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ажиб-айб тамойиллари бор — ваъда бердингми — бунинг удрасидан албатта чиқ!

Ешларимиз шаънига эзгу тилаклар ва энг ахши дил сўзлари ҳам бу ерда янгради. Биробарин, келажақда қандай яшашимиз муайян даражада ана шу ёшларимизга боғлиқдир. Бунинг учун йигит ва қизларимиз юксак маалаки мутахассислар бўлиб етишишлари, Ўзбекистоннинг тараққиётига ўзларининг салмоқли уллушларини қўшмоқлари даркор. Бу борада салмоқли маблағлар ажратилмоқда. Жумладан Миллий таълим тўғрисидаги дастурни амалга ошириш учун 34 миллиард сўм сарфланди. Коллежлар ва лицейлар қурилишини ниҳоясига етказиш ва уларни жиҳозлаш учун яна 12 миллиард сўм ажратиш талаб этилади. Биз ана шу ёрқин келажагимиз йўлида саъй-ҳаракатлар қилаверамиз.

— Бизнинг ажиб-айб ёшларимиз, бизнинг халқимиз бахтли яшамоқликлари даркор, — деди Президент ва Ўзбекистон ана шу мақсад йўлидан собитқадамлик билан бораверади.

Ушбу учрашув қатнашчилари Президентимизга соғлиқ-саломатлик, бўлажақ президентлик сайловларида зафар ёр бўлишини тиладилар.

Президент Ислам Каримов сайлов участкасидан жўнаб кетиш олдида кекса авлод вакиллари — шу ердаги маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли номидан сўзга чиққан она-она мамлакатимиз ва халқимизнинг бахт-соадати йўлида гайрат ва шижоат кўрсатиб тинимсиз меҳнат қилаётган Ислам Каримовга узок умр ва Ўзбекистоннинг ёрқин келажаги йўлидаги ишларида зафарлар тилади.

КЕЧА

шаҳримиздаги Олий Мажлиса сайловлар ўтказувчи 25 та, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар ўтказувчи 60 та округ сайлов участкаларининг барчасида байрамона руҳ ҳукм суриб, кишилар ўзлари танлаган номзодларга овоз бериш учун зўр қувонч, қатъият билан кўтаринки қайфиятда сайлов участкаларига ташириб буюридилар.

Биз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловлар ўтказувчи 24-Мирзо Голуб ва Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи 12-Қорақамиш сайлов округлари жойлашган 281-сайлов участкасига борганимизда бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Ушбу сайлов участкасига эрталабки соат 6 дан кишилар фаоллик билан ўзлари танлаган номзодларга овоз бериш учун кела бошладилар. 249-мактаб бадиий ҳаваскорлари иштирокида кўноқ концерт номрлари эса сайловларга ҳақиқий байрамона руҳ бағишладилар.

— Бизнинг 24-Мирзо Голуб сайлов округимизда сайловчилар жуда фаоллик кўрсатишмоқда — соат 11 га қадар 53 фойза яқин кишилар овоз бериб бўлишди. Олинган маълумотлар компьютерда таҳлил қилинмоқда, участкалардан доимий равишда маълумот олиб турибмиз.

Ҳа, ҳаётингда илк бор овоз берганимизда қалбингда фахриятхор туйғулари жўш уради, кайфиятигиз кўтарилди. Биз билан суҳбатда Тошкент Давлат техника университети механика факультетининг 2-босқич талабаси Элёр Қодиров ўз дил сўзларини қуйидагича изҳор этди:

— Оиламиздаги беш киши қатори мен ҳам сайлаш ҳуқуқимдан фойдаланганим ҳолда бутун ҳаётимда илк бор овоз беряпман. Чўқур ҳаяжонданман. Шу билан бирга жуда тўқинланиб кетяпман. Сайловлида учрашувларда қатнашиб белгилаб олган номзодлар учун овоз беряпман.

— Ешим 60 га етган бўлса 18 ёшлигимдан бошлаб жуда кўп сайловларга овоз берганман, — суҳбатга қўшилди хусусий касалхонада шифокор хизматида фаолият кўрсатаётган Салтанат оя Ингомоева. — Мустақилликка эришиб ҳозир ҳақ-ҳуқуқимизни билган ҳолда илгарингдай юқоридан белгилаб берил киши учун номига эмас, балки кўпчилик номзодлар орасидан ўзимиз танлаган энг муносибларига овоз бермоқдамиз. Олий Мажлисага ҳам, шаҳар Кенгашига ҳам бутун оиламиз билан ўзимиз яхши билган илм-маърифатли, халқ хизматига қамарбанд, келгусида шаҳар фаровонлиги учун хизмат қила оладиган икки му-

носиб номзодга овоз беряпмиз. Фурсатдан фойдаланиб ҳақиқий демократик жамиятда демократик сайловлар жараёнини халққа етказишда жонбозлик кўрсатган телевидение, радио ва вақтлий матбуот нашрларига ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Соат 15 га қадар Акмал Икромов туманидаги 75-ўрта мактабда жойлашган 35-сайлов округида аҳолининг 85 фойзи Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари учун овоз бериб бўлди.

Шуниси эътиборга моликки, 75 ёшли Нурхон ая Рўзилова сайлов участкасига тоғти соат 3.15 да келди.

— Мустақил мамлакатимизда муносиб номзодлар учун овоз бериладиган ушбу қутлуғ кунда сира уйқум келмади, — дейди Нурхон ая, — Зеро сайловчилар овози нафақат мамлакат, балки меннинг оилам — бола-чақаларим, невараларимнинг тақдирига ҳам боғлиқдир. Уйлайманки, мен сайлайдиган кишилар депутат бўлмасалар ҳам ўзларига олган мажбуриятларини бажарсалар, ўз халқининг муносиб фарзандлари бўлсалар бас.

Чилонзор туманидаги 416-сайлов участкаси ҳам эрта тоғтладоқ сайловчилар билан бўлиб бўлди. Шу тариха соат 16 га қадар 70 фойздан ортиқроқ киши ўз Конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда



Салор округларига қарашли 81-сайлов участкаси раиси Ҳамид ака Аъзамов. — Ва соат 6 да тантанали равишда дастлабки сайловчилар овоз беришди.

Энг муҳими, ушбу сайлов участкасига кўпчилик кексалар, хаста кишилар сайлов қутлиларини уйларига олиб боришларини кутмасдан ўзлари сиёсий фаоллик кўрсатган ҳолда участкаларга овоз беришга шошилди.

— Сайловлар бизда байрамона руҳда ўтмоқда, — дейди 541-сайлов участкаси раиси Бақудир Қосимов. — Сайлов ко-

зувчи 18-Темирйўлчилар сайлов округлари жойлашган 173-сайлов участкасига эрта тоғтдан республикамиз мадҳияси янграб, сайловчилар кўтаринки кайфиятда эртани кунинингизингиз янада фаровон бўлиши учун муносиб номзодларга овоз беришга шошилдилар.

— Бу сафар сайлов жараёни халқ доимидан ўзгача руҳда бўлиб, унда депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам иштирок этди, — дейди сайлов участкаси раиси Фаруҳ Билолов. — Рўйхатга олинган 1462 нафар сайловчи учун участкасизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Сайловчилар ҳар бирларининг овозлари жамиятимизни янада демократлаштириш, давлатимизнинг тулба-яшашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилган ҳолда овоз берди-

лар. Сайлов участкаси аъзолари бутун диққат-эътиборни сайловни ҳар томонлама кенглик, қонунийлик, ошқоралик ва демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказишга қаратдилар. Участка раиси Нозим Отамухамедовнинг ахборот беришича, тушқи соат 15.00 гача 75 фойз сайловчилар рўйхатдан ўтиб бўлишди.

Сайловчиларни суҳбатга тортиди.

— Бугунги дам олиш кунини айникса, сайлов комиссияси аъзолари учун энг масъулиятли кун бўлди, десаам янглишмайман, — дейди Севара Тоштемирова. — Уларнинг тинимсиз меҳнатлари тўғрйли биз сайловчилар учун барча қулайликлар яратиб берилди.

Ўз мухбирларимиз. СУРАТЛАРДА: тошкентликларнинг сайлов участкасига овоз бериш жараёнидан лаҳзалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

ЁШЛАРНИНГ АЗМУ ҚАРОРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида шаҳримиздаги барча олий ўқув юртлири талабалари иштирокида сиёсий митинг бўлиб ўтди.

Ёшлар «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган ушбу йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланди. Митингда Тошкент Давлат университети

нинг талабаси Л. Соатова, Тошкент Давлат техника университети талабаси Д. Бекмирзаева, Тошкент Давлат иқтисодий университети талабаси Ж. Тўраев ва бошқалар сўзга чиқишди, Юртбошимизнинг Ватанимиз гуллаб-яшашни йўлида курсатган давлат университети

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАҲАЛАЛарДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 декабрь кун Оқсарой қароргоҳида Миср Араб Республикаси «ал-Азхар» мажмуасининг шайхи Мухаммад Сайид Тантовийни қабул қилди. Шу кун Президент Ислам Каримов АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Энтони Зинини қабул қилди. Президентимиз юртимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Ман Ки Янгни ҳам қабул қилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлган Мисрдаги «ал-Азхар» мажмуаси шайхи Мухаммад Сайид Тантовий бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкент Ислам университети мураббий ва талабалари билан учрашди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Ташқи ишлар вазириликда ҳам бўлди.

Республикада 2000 йилнинг 9 январидан мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловларида Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар бўлиб ўтмоқда.

Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида Халқаро ноғиронлар кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Жаҳон тиллари давлат университети учун йирик спорт иншоотини бунёд этишга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология институти Сурхондарё вилояти бўлимининг бир гуруҳ олимлари Германия сафаридан қайтиб келдилар.

ЖАҲОНДА

Кеча АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Саудия Арабистонига таширифи билан унинг Яқин Шарқ бўйлаб уч қунак сафари бошланди.

Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев «Россия билан Озарбайжон ўртасида визали тартиб жорий этилмайди» деб баёнот берди.

Ирландия республика армияси ҳарбийлаштирилган ташиқлотларни қуролсизлантиришини эълон қилди.

Тожикистонда Демократик сиёсий партия фаолиятини тақиқлаш эълон қилинди.

Бугун Финляндия халқи Миллий байрам — Финляндия Республикаси Мустақиллиги кунини нишонламоқда.

Кеча Калининград вилоятида рўй берган туфун икки кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Қувайт парламенти аёлларга сайлов ҳуқуқини бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишдаёқ рад этди.

Таниқли Америка актриси Майкл Дуглас Нью-Йоркдаги энг гўзал ресторандан бирда ўзининг 55 ёшлини нишонлаш пайтида 22 йил яшаган рафқаси билан ажралишини ва 30 ёшли инглиз кино актриси Кэтрин Зета-Жонсга уйланажани эълон қилди.

Дунёда қандай танловлар бўлмайди, дейсиз. Токиода бакирокларнинг анъанавий биринчилигида 19 нафар ракиб беллашди. Ким кучли бакириш мусобақанинг шарти бўлиб, унда Ташуру Мурано ғолиб бўлди. Унга совин билан бирга 100 минг иен ҳам берилди.

Ешим 60 га етган бўлса 18 ёшлигимдан бошлаб жуда кўп сайловларга овоз берганман, — суҳбатга қўшилди хусусий касалхонада шифокор хизматида фаолият кўрсатаётган Салтанат оя Ингомоева. — Мустақилликка эришиб ҳозир ҳақ-ҳуқуқимизни билган ҳолда илгарингдай юқоридан белгилаб берил киши учун номига эмас, балки кўпчилик номзодлар орасидан ўзимиз танлаган энг муносибларига овоз бермоқдамиз. Олий Мажлисага ҳам, шаҳар Кенгашига ҳам бутун оиламиз билан ўзимиз яхши билган илм-маърифатли, халқ хизматига қамарбанд, келгусида шаҳар фаровонлиги учун хизмат қила оладиган икки му-

носиб номзодга овоз беряпмиз. Фурсатдан фойдаланиб ҳақиқий демократик жамиятда демократик сайловлар жараёнини халққа етказишда жонбозлик кўрсатган телевидение, радио ва вақтлий матбуот нашрларига ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Соат 15 га қадар Акмал Икромов туманидаги 75-ўрта мактабда жойлашган 35-сайлов округида аҳолининг 85 фойзи Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари учун овоз бериб бўлди.

Шуниси эътиборга моликки, 75 ёшли Нурхон ая Рўзилова сайлов участкасига тоғти соат 3.15 да келди.

— Мустақил мамлакатимизда муносиб номзодлар учун овоз бериладиган ушбу қутлуғ кунда сира уйқум келмади, — дейди Нурхон ая, — Зеро сайловчилар овози нафақат мамлакат, балки меннинг оилам — бола-чақаларим, невараларимнинг тақдирига ҳам боғлиқдир. Уйлайманки, мен сайлайдиган кишилар депутат бўлмасалар ҳам ўзларига олган мажбуриятларини бажарсалар, ўз халқининг муносиб фарзандлари бўлсалар бас.

Чилонзор туманидаги 416-сайлов участкаси ҳам эрта тоғтладоқ сайловчилар билан бўлиб бўлди. Шу тариха соат 16 га қадар 70 фойздан ортиқроқ киши ўз Конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда

Салор округларига қарашли 81-сайлов участкаси раиси Ҳамид ака Аъзамов. — Ва соат 6 да тантанали равишда дастлабки сайловчилар овоз беришди.

Энг муҳими, ушбу сайлов участкасига кўпчилик кексалар, хаста кишилар сайлов қутлиларини уйларига олиб боришларини кутмасдан ўзлари сиёсий фаоллик кўрсатган ҳолда участкаларга овоз беришга шошилди.

— Сайловлар бизда байрамона руҳда ўтмоқда, — дейди 541-сайлов участкаси раиси Бақудир Қосимов. — Сайлов ко-

зувчи 18-Темирйўлчилар сайлов округлари жойлашган 173-сайлов участкасига эрта тоғтдан республикамиз мадҳияси янграб, сайловчилар кўтаринки кайфиятда эртани кунинингизингиз янада фаровон бўлиши учун муносиб номзодларга овоз беришга шошилдилар.

— Бу сафар сайлов жараёни халқ доимидан ўзгача руҳда бўлиб, унда депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам иштирок этди, — дейди сайлов участкаси раиси Фаруҳ Билолов. — Рўйхатга олинган 1462 нафар сайловчи учун участкасизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Сайловчилар ҳар бирларининг овозлари жамиятимизни янада демократлаштириш, давлатимизнинг тулба-яшашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилган ҳолда овоз берди-

лар. Сайлов участкаси аъзолари бутун диққат-эътиборни сайловни ҳар томонлама кенглик, қонунийлик, ошқоралик ва демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказишга қаратдилар. Участка раиси Нозим Отамухамедовнинг ахборот беришича, тушқи соат 15.00 гача 75 фойз сайловчилар рўйхатдан ўтиб бўлишди.

Сайловчиларни суҳбатга тортиди.

— Бугунги дам олиш кунини айникса, сайлов комиссияси аъзолари учун энг масъулиятли кун бўлди, десаам янглишмайман, — дейди Севара Тоштемирова. — Уларнинг тинимсиз меҳнатлари тўғрйли биз сайловчилар учун барча қулайликлар яратиб берилди.

Ўз мухбирларимиз. СУРАТЛАРДА: тошкентликларнинг сайлов участкасига овоз бериш жараёнидан лаҳзалар. Рустам Шарипов олган суратлар.




ТИЛЛАРДА БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун мамлакатимиз тарихида муҳим сиёсий воқеа, таштанили байрам ҳисобланади. Шу муносабат билан жойларда қизгин учрашувлар, анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Мана шундай байрам тадбирларидан бири Яққасарой туманидаги тижорат техникумида бўлиб ўтди. Шу кун техникумда ўқувчилар дарсларда асо-

сан бахтимиз қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг туб моҳияти, афзалликлари ҳақида ўқувчиларга тўқинлини тушунтирилди.

Анжумани техникум директори Юсуф Расулов очиб, йиғилганларни байрам билан қутлади. Шунингдек, техникумининг маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари Қудрат Азимов «Конституция — бахтимиз Қомуси» мавзусида маъруза қилди. Кечада ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини фахр ва ифтихор туйғуси билан ижро этишди. Техникум бадиий ҳаваскорлари ижросида янграган Ватан, серқуёш Ўзбекистонимиз ҳақидаги дил-



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

Анжумани техникум директори Юсуф Расулов очиб, йиғилганларни байрам билан қутлади. Шунингдек, техникумининг маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари Қудрат Азимов «Конституция — бахтимиз Қомуси» мавзусида маъруза қилди. Кечада ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини фахр ва ифтихор туйғуси билан ижро этишди. Техникум бадиий ҳаваскорлари ижросида янграган Ватан, серқуёш Ўзбекистонимиз ҳақидаги дил-

рабо куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Анжуман сўнгида техникумининг аъло баҳоларда ўқийётган намунали ўқувчилари эсдалик совғалари билан муқофотланди.

Гулнора ИСЛОМОВА.

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 7 йиллигига бағишланган махсус саҳифа материалларини газетанинг 2-бетига ўқийсиз.



КОНСТИТУЦИЯ ЖАЛҚНИНГ СИЁСИЙ ДОНОЛИГИ ВА ТАҒАККУРИ МАҲСУЛИДИР


Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг VI сессиясида «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзусида сўзлаган нутқида «1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг асосий қонунини давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асосларини ва стратегик йўналишларини мустақамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор», деган эди.

КОНСТИТУЦИЯДА КАФОЛАТЛАНГАН


37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир...



40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.



46-модда. Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар.



64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Дарҳақиқат, Конституциямизнинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталади. Унда умумий қоидалар ва фуқаролик масалалари билан бир қаторда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари асослари қонуан мустақамлаб кўйилган. Хусусан, уларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари негизлари Конституциянинг

асосий белгилари бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уй-жойининг дахлсизлиги, ёшшамалар, тинтув ўтказиш ва телефонда сўзлашувларнинг сир тутилиши ва уни ошкор қилиш мумкин эмаслиги ҳам Конституциямизнинг 27-моддасида мустақамлаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири — виждон эркинлиги мустақамлаб берилган. Жумладан,

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

24—31-моддаларида акс эттирилган. Давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга моликдир. Шу боис республикамиз Асосий Қонунини бунга жиддий эътибор берилган.

Жамият аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларнинг эркинликларини мустақамлаш ва таъминлаш мустақил давлатимизнинг энг олий мақсади эканлиги 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди. Мазкур қомус жамиятимизда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат фаолиятининг энг муҳим соҳаси эканлигини шакл-шубҳасиз тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси эътироф этган шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат этиш тушунчаси Конституцияга унинг асосий тамойиллари сифатида киритилган. Ушбу тамойилнинг энг муҳим талаби Асосий Қонунимизнинг 26-моддасида белгиланган.

Шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларининг

«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл кўйилмайди», дейилади.

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан 1998 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳририда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни юқоридаги фикрларимизни тасдиқловчи ҳуқуқий актдир.

Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари муаммолари ўта муҳим аҳамият касб этиб келган ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга моликдир. Шу боис мамлакатимиз Асосий Қонунини бунга жиддий эътибор берилган. Чунки фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш, демократияни авж олдириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки каби қатор умумий масалалар билан бевосита боғлиқ ва улардан келиб чиқади.

Абдувоҳид ВАҲОБОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент.

ишлаганим боис Конституциямизнинг 41-моддасида айтилганидек ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, ушбу қонуннинг ҳаётда ифодаси, хусусан бугунги кундаги ёшларимиз тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Ёшлар, жумладан талабалар, уларнинг камолотига бизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг қувонарлиси, давлатимиз раҳбари ушбу масалага чуқур эътибор билан ёндашмоқдалар. Республикаимизда ёшлар учун янгидан-янги ўқув муассасалари ташкил этилмоқда, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

лар, кўчалар бунёд этилганини кўраемиз. Ушбу ислохотлар ва янгиланишларни амалга оширишдан асосий мақсад ҳам биринчи гада инсон ва халқ манфаатларини таъминлашдир.

Халқимиз Конституциямиз жаҳондаги энг демократик Асосий Қонунлардан бири эканлиги ва аввалгисидан жуда катта фарқ қилиши, бинобарин мустақилликдан сўнг янги Конституциямиз асосида буюк келажак, моддий ва маънавий фаровонлик сари катта қадамлар қўйилаётганини яхши билади. Зеро, Конституциямизнинг энг устуни ютуқли томонларидан бири шундаки, унда инсон ҳуқуқлари давлат ҳуқуқларидан устувор қўйилган. 1992 йил 8 декабрда Республикаимиз Парламенти бутун жаҳон тажрибаларидан унумли фойдаланилган, умуминсоний ва маънавий қадриятлар тўла даражада ўз асини топган Асосий Қонунимизнинг қабул қилар экан, демократия ва ижтимоий адолат гоёларига содиқлигини, халқаро ҳуқуқнинг жаҳон узра қабул қилинган тамойилларини тан олишини яна бир қарра исботлади.

Қонундан кунга мамлакатимиз Конституцияси қонунлари жамиятимиз ҳаётида тўбора мустақамлашиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мамлакатимиз Олий Мажлиси, маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган кечаги сайловлар ва бўлгуси Республикаимиз Президенти сайлови ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Қирқ йилга яқин олий таълим соҳасида

Долорес ОБИДОВА,
Тошкент молия институтининг доценти.

Эътироф РИВОЖ ТИЛАЙМИЗ

Раъфат АС-САБЪА,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот шўъбаси раиси:

— Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини 8 декабрь — Конституция куни билан чин дилдан, самийий табриклайман. Зеро, Конституция қабул қилинган кун ҳар бир давлат тарихида муҳим сана бўлиб, у мамлакатда Қонун ва Конституцияга асосланган давлат муассасалари шаклланиши ва ривож топаётган

нидан далолат беради.
— Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон аҳлига тинчлик ва омонлик ҳамда фаровон турмуш, республикангизга эса узлуксиз ривож ва тараққиёт тилайман.
Конституция кунингиз муборак бўлсин, азиз Ўзбекистонлик биродарлар!

Марк ЛЬЮИС,
«Филип Моррис Менеджмент Сервисез Б. В.» (АҚШ) компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Ўзбекистонда фаолият кўрсатишимиз сабабли Республикангиз Конституцияси билан пухта танишиб чиққанман. Шуниси эътиборга моликки, Конституциянгиз жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатларнинг илгор тажрибаларини ўзида жамлагани билан алоҳида ажралиб туради. Унда аҳолининг барча табақаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинган бўлиб, эндиликда ижроия ҳокимиятининг барча тармоқлари ва фуқаролар унинг қоидаларига мос ҳаракат қилишлари ҳамда тўла риоя қилишлари жоиздир.

Ўзбекистонда ўз фаолиятини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда ва умид қилмайманки, келгусида мамлакатимизда «Филип Моррис» каби йирик компаниялар учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаолияти юзасидан янада қўлай имкониятлар яратилади. Шунда бизнингги тиббиёт, олий ўқув юртли ва маданият соҳаларига ижтимоий ёрдам ва ҳомийлик бўйича амалга оширилган тadbирларимиз янада кенгроқ тус олади.

Ҳозирги пайтда «Филип Моррис Менеджмент Сервисез Б. В.» компанияси

Фурсатдан фойдаланиб бутун Ўзбекистон халқини энг буюк ва ардоқли байрамлардан бири — Конституция кунини билан бутун компаниямиз номидан чин дилдан муборакбод этаман.

КЕКСАЛАРГА МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

Саида МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ижтимоий хизмат кўрсатиш бўлимининг бошлиғи:

— Конституция куни байрами арафасида унинг нақадар удуғворлиги ва алоҳида хусусиятларини яна бир қарра эсга олиш ўринлидир. Зеро, республика фуқароларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилган, инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлатни бунёд этиш вазифасини ўз олдига қўйган мустақил Ўзбекистон Конституцияси халқ манфаатларига хизмат қилади.

қучайтириш тўғрисида Президентимизнинг махсус Фармонлари чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида мувофиқ «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва заёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида» Дарҳақиқат, фуқароларнинг ушбу тоифасини давлат ҳар томонлама муҳофаза қилади. Ёлғиз кексалар ир ва меҳнат қобилиятини йўқотганлар қўйиладилар. Тиббий ҳулоса ага кўра уларга ижтимоий ёрдам уйла-рига етказиб берилади, 9 хил меъёрлар-ан асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланадилар. Ушбу мақсадлар ар учун жорий йилнинг ўтган 9 ойида 16046013 сўм сарфланди. Ушбу имтиёзлар билан таъминлаш юмушлари ижойлардаги ўзини ўзи бошқариш о-рганлари билан ҳамкорликда амалга оши-рилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» эканлиги айтилган.

Тошкент шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси тизими орқали 326 мингдан ортиқ пенсия ва ёрдам пулларини олувчи кишилар ҳисобда туради ва уларга ўз вақтида пенсиялар тўланмоқда. Ушбу мақсадларга ҳар ойда 1,5 миллион сўмлик маблағ сарфланмоқда.

Шаҳримизда ҳозирда 1363 нафар яқка-ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлар ар ҳисобда туради ва уларнинг имтиёзлардан фойдаланувчи 1167 нафарига 138 38 та ижтимоий-таъминот хизмати ходимлари кўмак кўрсатадилар.

Туман соғлиқни сақлаш бўлимига ариза ёзиш орқали пенсионерлар санаторий-курортларда соғлиқларини тиклаш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Шу мақсадлар учун шаҳар ичида «Нуронийлар оромгоҳи» пансионати, Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида асаб, суяк-бўғин касалликларини даволайдиган «Товоқсой», Фарғона вилоятида ошқозон-ичак, суяк-бўғин ва асаб касалликлари учун «Олтириқ» санаторийлари фаолият кўрсатмоқда.

Асосий Қонунга мувофиқ ногиронлар давлат вазийлиги остида «Мурувват» меҳр-шафқат уйларида истиқомат қилмоқдалар.

Аёллар йилги муносабати билан «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритилди ва аёллар ижтимоий муҳофазасини

Шаҳар ижтимоий-таъминот тизимида пойтахтда 400 ва 300 ўринли икки ита «Мурувват» болалар уйлари, шунингдек, 340 ўринли «Мурувват» эркеклар уйи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сарф-харажатлари учун бу йил шаҳар бюджетидан 146001886 сўмлик маблағ ажратилди.

Изҳор ФАХРЛАНАМАН

Неъматжон ҲАТТАБОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси,
«Фидойи ёшлар» клуби аъзоси.

— Бугунги кунда Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ёшларнинг чуқур билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади».

бўйича чуқур билим олиб, келажакда да халқимиз фаровонлиги йўлида қонун ҳимоячилари сафидан ўрин олиш.

Ватанимиз равнақи, осойишталигини таъминлаш учун ҳуқуқшунос кадрлар доимо зарур. Шунинг учун асосий мақсадим ҳуқуқшунос мутахассислиги

Мен ҳуқуқшунос сифатида давлат ва Конституцияда қабул қилинган қонунларни доим қизиқиб ўқийман ва ўрганаман. Мен доим Ўзбекистон Конституцияси номли китобчани қўлимга олиб, ундаги муборак сатрларга назар солиб эканман, маъна баркамол бўлган ва ҳуқуқий маданиятли инсонлар фаолият кўрсатадиган одил фуқаролик жамиятида да яшайётганлигимдан фахрланаман.

Назм

РАЪНОСИДИР

Ул сарвиноз гушан аро гушларинг раъносидир, Шайдои кўида нолон булбули зўёсидир...

МАҲАББСИМАН

Сари қомат, гул юзинг эй, моҳ маҳаббисман, Лаъли лабинг аро ширин сўзинг гадосиман...



Ёшлар мустақил юртимизнинг асосий таянчидир.

Рустам Шарипов олган сурат-лавҳаси.

Уша кунни аяси, тоғаси ўртасида яйраб, эрка-лабниб ўтирган Бўтакўзнинг кутилмаганда катта зиёфатдан чиқиб кетгани Наҳот юрагига тигдек ботди...

Бўтакўз шу-шу телефон қилмай кўйди. Омади чоғмаган Наҳот нима қилишини билмай, хаёл дарёсига фарқ бўлди...

Уша кунни аяси, тоғаси ўртасида яйраб, эрка-лабниб ўтирган Бўтакўзнинг кутилмаганда катта зиёфатдан чиқиб кетгани Наҳот юрагига тигдек ботди...

Бўтакўз ушбу шеърини ёзиб, тунда бедор ўтирганда Тошкентда Наҳот ҳам ўз хобхонасида Бўтакўзни ўйлаб, ярим кечада бедор ўтирарди.

У, чанг босиб ётган ўралган чертеж-катта картонлардаги чизгиларини олиб, бир-бир очиб кўрдида, хонтахта устига ёзди; шу лаҳза Бўтакўзнинг бирон фотосуврати йўқлигини ўйлади...

Эрта билан Наҳот институтга бориб, домлари билан учрашини кўзлади. Қирқ беш кунда кетмону белкурба билан қазилган Катта Фарғона канали, Тошкент канали, Лоғон канали, Катта қўрғон ховузи ва бошқа сув омборлари юртни сувга сероб қилса-ю кучли бульдозер-скреперлар, компьютеру экскаваторлар даврида бир гўзал дарёни пойтахтдан ўтказиб юбормоқ мумкин эмасми?...

Ийқ, хаёлий эмас! Бўзсув, Анхор — Ўрда, Бўржари кенгайтириш керак; катта дарё Тошкент ичидан оқиб ўтмоғи даркор! Ҳамонки, Чиноздан Сирдарёни буриб Тошкентга киритилмас эканми, ҳамонки Чордара, Айдаркўл то...

тупроқ ташиб, шу Кўлни пайдо этишган. «Тоғда қарагай кесганман, ҳеч бир ҳақимдан кечмайман!» деган 16 йил мардикорларидек биз ҳам бу гапни айтишдан тортинмаймиз, дерди Наҳот.

Тошкент ичидан катта дарё ўтказиш генерал планини ўйлаб, хаёлпараст бўлиб юрган Наҳотнинг орзу интилишлари Бўтакўзга ёқарди. Инсонда бир интилиш бўлмас экан, ўзининг мақсад-хаёли бўлмас экан, унда нега яшаб юрибсан, деган гап ҳам Наҳот юрагига алағланарди. Агар катта мақсаду хаёллар билан яшамайдиган ёш инсоннинг жонотдан фарқи нима! Гарчи сен ўйлаган иш амалга ошмаганда ҳам, сен катта мақсадлар билан яшаб, унинг амалга ошишида курашганинг, бу олижаноблик демак. Агар бу иш юз йилга чўзиладиган бўлса, юз йил курашмоқ лозим, деди қатъий туриб Наҳот ўзига ўзи.

Қадрли инсон қалбидидаги бу орзу-мақсадлар алангасини сезиб юрган Бўтакўз китоб ва рақад таъриб, иттифоқо дунёга машҳур шоирнинг шеърига кўзи тушди:

«Сен туни яратдинг, мен ёқдим чирок, Сен тупроқ яратдинг — ясадим қоса, Сен яратган даштда кўкратирдим боғ, Сен яратган тоғда қон қаздим роса... Кўмлардан ясадим ойнаво, Заҳарлардан тоғим дардларга даво...»

Аллома Мухаммад Иқбол (1873 — 1938 й.)

Ха, мусулмон фарзанди Наҳот пойтахт табиатини ўзгартириб, гўзал қилмоқчи. Бунинг нимаси ёмон? Мутасаввуф тариқатида инсон қалбида Аллох, қўли меҳнатда, фикр-заковати илм чашмасидан доимо баҳраманд бўлиб турмоғи керак. Профессор Мирҳабиб домланинг аудиторияда айтган бу фикрларини Бўтакўз аллақачон қалбига жо этиб олган эди.

Наҳотнинг бирдан бир орзуи пойтахт ичидан дарё оқизиш. Бу, фантазиями? Хомхаёлими? Ёки Насриддин афандининг латифасими? Ёки фаранг адиби Жюль Верн романими? Йўқ! Асло йўқ, бундай


эмас. Хаёлпараст, романтик Наҳот бу хусусда институтга кирмасдан аввал ҳам ўйлаб юрарди. Ўзингиз ўйланг, Ўзбекистонимиз атрофидан на океану на денгиз бор. Унинг пойтахти Тошкент, қадимий Шош атрофидан дарёлар кўп бўлиб, унинг ичидан биронтаси ўтмаган. Қоҳира ичидан ўтган Нилу муборак, Киевдан Днепр, Будапештнинг иккига ажратиб буюк Дунай мавж-лағани ўтади... Жуғрофий жиҳатдан шундай, аммо Чотқолу Пискому Уғому Кўксус дарёларини қўшиб нахотки пойтахт ичидан ўтказмоқ мумкин эмас. Бу, хаёлийми? Аллоҳга шукроналар бўлсинки, Ўзбекистон иклими, еру суви, жуғрофияси Бобуршоҳ ёзганидек «бағоят мўътадилу бебаҳо, қорли тоғларидан тушган сувлари, водий-ю вохалари жаннатмонанд, ерлари куту файзу барақа, мевалари жаннатий...» баъзида сел келиши, тоғ кўчкини, зилзилалари ҳам бор. Биз ўзбеклар шу она юртни жондан ортик севамиз, бор-йўғимиз, қалбу муҳаббатимиз шу она заминга баҳшида этилган! Биз, ўзбеклар баҳорда учиб келиб, кўзда яна иссиқ мамлакатларга учиб кетадиган кушлардан эмасмиз! Бу, Наҳот қалбидидаги сўзлардир. Келажақда бир доно ва мард РАХНАМО чиқиб, мамлакатни мустақил этади, ўз ортидан халқни бошлаб, пойтахтимиздаги чолдеворлар, мустамлака даврида қурилган соғуқ қазармаю турмаҳоналарни бузиб, унинг ўрнида боғу роғлар, гўзал бинолар, музейлар қураб, ҳатто пойтахт ичидан катта дарё оқиб ўтар, дерди ёш муҳандис. Бу хаёлотми ёки ҳақиқатми? Келажақ кўрсатади!

Бу гаплар ҳам Наҳот юрагидан ўтди. Менинг Ўзбекистоним занжирбанд шерга ўхшайди, дерди у, қудратли ва соғлом, аммо занжирбандидир! У ҳеч нарсани ўзича хал қилмайди, эр-ку мустақиллиги йўқ, занжирнинг учи Кремль қўлида. Занжирлар узилар, турмалар бузилар, қаро булутлар қўланкаси йўқ бўлар, деган эди отаси, профессор Мирҳабиб домла ўғлига шоир Чўлпон фикрини такрорлаб.

Ғубору қирларни, ақиданпараст жангариларни ва ҳатто адовату таҳқирларни ювиб, олиб чиқиб кетмоғи, пойтахт иклими-ю манзарасини яхшиламоғи учун Бўзсув, — у нарироқ бориб Анхор, ундан нарироқ бориб Бўржар аталиб, пастилкага тушиб кетмоғи етмайди! Шу ўзандан дарё оқмоғи лозим! Салор ҳам, Кайковус ҳам, Қичиқчиқ ҳам, Қорасув ҳам ўз йўлига. Бунинг учун Бўзсув, Анхор, Бўржарни тўрт, беш баробар кенгайтириш лозим! Шунда Чотқолу Кўксус, Уғому Пискомлар битта дарё бўлиб оқади, бориб Сирга қўшилади...

1999 йил, ноябрь.

Шарқ гурдоналари



♦ Ота-она, қариндош-уруғларни иззат-икром қилиш фақат ёшлик айёмимизда эмас ёки бой-бадавлатлик пайтимиздагина эмас, балки умримиз борича ва кучимиз тугагунчадир. Катталарнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари бошқаларга катта таъсир қилади ва ёшлар бу муносабатлардан ибрат олишади.

Биз ота-онамизнинг ёнида бирга яшаётганимизда уларни доимо хушнуд этишимиз, уларга кўрсатиладиган иззат-икром қондаларига нуқсон етказмаслигимиз, доимо ҳол-аҳволларини сўраб туришимиз керак. Уйланганимиздан ва бошқа ерга хошли-жой қилиб чиқиб кетганимиздан кейин эса тез-тез ёнларига бориб, дуоларини олиб туришимиз, қиллолмаган тақдирда эса хат орқали бўлса ҳам ҳол-аҳволларидан хабардор бўлиб туришимиз лозим. Агар бизнинг илмимиз ва касбимиз ота-онамиздан юқори бўлса биз бунга асло мағрурланмаслигимиз инсоний фазилатлардан ҳисобланади.

Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса тирикликларидан айтган насихатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларнинг яхши хислатлари билан ёдлаб туриш содиқ ва вафодор фарзандларнинг энг яхши одатларидандир. Шуниси ҳам махфий қолмасинки, ота-онадан ташқари валинеъматлик қилган ва яхшилиқ қўлини чўзиб турган инсонларнинг иззат ва иқромини ҳам бажо келтиришда ҳам нуқсонга йўл қўймаслик керак!

Мустафо ҲОМИЙПОШШО.

Эй ўғил, пандимга қилгил илтифот, Сўзда кам, мундан етар сенга нўлсот. Ғийбатун ёлғондан авлодур сукут, Лақмайур абаҳ, буни ёдингда тут! Кўп гапирмоқдан баданга қалб сўлар Гарчи сўз дурури Адандан хуш бўлар. Кимки сўзлашда фасоҳатлар қилур, Чеҳраи дилин жароҳатлар қилур. Тилин оғиз ичра маҳбус айлагин, Тут бу зиндон ичра, маъёс айлагин. Кимки сўз айбини кўрмоққа шошар, Тапида жои қуввати доим ошар!

Фариҳиддин АТТОР.

♦ Яхшилиқ ёмонликни куйдирувчи олов. Яхши билан дўст бўлган ёмонлардан қутулар. ♦ Яхшилиқ йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди. Яхши одам ўзини ҳам ранжитмайди, ўзгани ҳам хафа қилмайди.

Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам. ♦ Кўпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқармагунча уни яхши, ёмон дейишдан тилингни тий. Инсон агар қўлланган сандик бўлса, уни тажриба аҳлигина оча олади.

♦ Кимки мулойим бўлса саодатлик, кимки камгап бўлса саломат бўлади.

Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади. ♦ Ўз ўрнида қилинмаган мулойимлик аҳмоқликдир:

Тикон бўлишинг ҳам ўз ўрни бордир, Бехуда мулойим бўлган ҳам хордир. ♦ Хорлик йўқликдан келади.

♦ Кимки халққа қандай муомалада бўлса халқ ҳам у билан шундай муомалада бўлади. Нонси эл бўлмас, кўппаксиз қишлоқ. ♦ Хаёт лаззати — саёхат. ♦ Айрилик ўти — жаҳаннам ўтидан кучли. Айрилик — ўлимдан ёмон.

«Аталар сўзлари»дан.

Аблахни кўргилки, талашиб бир санг! Ўзаро урушиб қилишди жанг! ♦ Бировнинг одига борсандан нон деб, Ўйда жим ўтирган яхшидур жон деб. Ҳар ким тамаш йўлини тутса агар пеш, Оқибат бир кунни бўлгучи дарвеш!

Низомий ГАНЖАВИЙ.

♦ Эй Искандар, дунё ишларини тиг ва тadbир билан изга солиш мумкин. Аммо тиг ва тadbир ўзаро бирга бўлса нур устига нур бўлади. Шунинг учун сенинг ҳар бир мажлисинг ва ўтиришинг доно донишмандлардан холи бўлмасин. Дунёга ибрат кўзи билан қара. Хушёр яша, ғафлатга, ортиқча еб-ичишга ружу қилма, чунки улардан турли нуқсонлар ҳосил бўлади. Масалан, кўп ёйишдан ҳам аъзолари ишдан чиқади. Кўп гапирибдан эса одамнинг обрўйи кетади. Улим ҳақ бўлгани учун ўлмасдан аввал қиладиган яхши ишларингни қилиб ол.

Нечун қорини деб ҳар ён чар урмоқ, Оқкўзлик отини ҳар ёнга сурмоқ!

Ҳар бир ишни амалга оширишда ақлу тadbирни ишга солиш лозим. Жаҳл ва ғазаб юзидан иш тугмаки, охири пұшаймонликдир. Қийин ишда гамгин бўлмаки, барча мушкуллар оҳисталик билан ҳал бўлади. Назм:

Барча мушкул ишинг бордир чораси, Чисаллар ечмай қолмайди зинҳор. Умид ишларини узмагил ҳеч вақт, Бумут қора бўлса ҳамки бегўбор. Ёмгиридан гуллаб яшнайди олам, Сени ҳам бир кунни яшамосинг бор!

«Афлотун пандномаси»дан.

♦ Худбинлик инсонга заволлик келтиради. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Эй азиз, агар сен инсон бўлай десанг худбин бўлма, йўқса сен ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар сен улуғлигини хоҳласанг камтарлик йўлини тут! Шеръ:

Ўзини наст олади-ю ўсиб чиқди дон, Қамши бош кўтариб эзлди гирей!

Мухаммад Жавгар ЗАМИНДОР. Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

МИРМУҲСИН,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЁШ МУҲАНДИСНИНГ

ОРЗУСИ

(Ҳикоя*)

Навоий кутубхонасига қатнаш, китоблар чангини ютмоқ, ҳазратнинг ўларидек хаёлан Гулийни ўйламоқ... ёки ўша Гулий — ўз Бўтакўзи ёнига бормоқ! Бундан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Улуғ ҳазрат айтганларидек «Ул париваш васлига етолмаймен, ўзимни парвона англиш ишқ оташига урғаймен...» Демак, ўша аланга — илмий иши демакдир, муҳаббат майдонида қиличи синиб, қалқони тешишган, аяқаланган бир мағлуб нав-карга айланмаслик даркор!

Эҳ, Бўтакўз, Бўтакўз!... Кўзлари йирик, ақли тийран қиз мен ҳақимда янглишапти. Қиз туғилган чоғидаёқ унга отаси яшу номни қўйган экан. Туғруқхона рўпарасидаги катта йўлдан ўтиб кетаётган тўрт-беш тўра орасида ширин бир бўталоқ ҳам йирик чиройли кўзлари билан одамларга боқиб она оёғи остида кетаётганини кўришган. Бу гап отага ёқиб, «Бўтакўз» қўйилган экан. Қиз катта бўлган сари нанки ота-она, қариндош-уруғлар меҳр-муҳаббатини торта бошлади; эғчил, ширинсўз, «Ойижон, отажон, амакижон...» деб чой тутганида, бу қизга лоқайд қараб бўлмасди. Фаросатли, хаёлик, эп-чил... Уй ичида ҳамма нарса жойида; Анави нарса қаёқда эди, деб қидириб юришликлар йўқ. Пиёла, лаган, қошқ ва пичоқлар ювилган, саришта. Жиринглик телефоннинг ҳам у тезда бориб дастагини кўтарди. Унинг шад-доллиги, ҳозиржавоблиги, қилиқлари фоятда илиқ, бир нарсани тез илғаб олиши, тантанлиги ҳеч кимни бегъитбор қолдирмасди.

Ёш муҳандис ўз хонасида шинга қараб, «тоқ санаб» ётиб, хаёл сурди.

Бўтакўз Самарқандга жўнаб, ота-онаси бағрига етгач, «изтиробли» кунларда шеърлар ёзиш, Навоий, Лутфий-ю Бедил, Нодира бегим, Хувайдо... газалларини ўқиб, мутулаа қилмоқ билан банд бўлди. Ахир у «умидли шоира». Университетдаги йигинда шундай баҳо олган. «Ўзбекистон — она Ватаним», «Она тилим», «Амир Темурган» деган шеърлари бор. Янги тўпламини «Самарқанд сайқали» деб атабди. Китобча наشريётда, Самарқандга келиши биланоқ ушбу шеърини ёзди:

Бағзан олтин соатини йўқотиб кўлар киши, Ачанасан... ачанасан... янгисини олмасан. Бағзан тўхмат... қуйиб, ётиб бўласан

хонанишин, Олтин соат олмоқликдек бу асло бўлмас осон... Бу йўқотиш, гаму гусса бўлиб туради, билсанг, Янгисини топиб бўлмас йўқотиш бор дунёда — Тирик туриб, тирик дўстни йўқотсанг юрагиндан, Бундан ёмон йўқотиш йўқ, билиб қўйгил биродар!»

* «Занжирбанд шер» романидан парча

